



## Ўзбекистон Республикаси заарли чигирткаларининг турлари

**Чигирткалар** - қишлоқ хўжалиги экинларига катта талофат етказувчи очоғат ҳашаротлардан бири хисобланади. Улар сабзавот-полиз, донли ва техника экинларни, шунингдек ялов ва бошқа экинзорларни заарлаб, хатто буғдойнинг сут пишиш даврида унинг донини ҳам нобуд қиласи. Чигирткалар тўғри қанотли ҳашаротлар туркимиға мансуб бўлиб, уларнинг дунёда 20 мингдан ортиқ тур ва кенжа турлари тарқалган, шулардан ўнлаб турлар заракунанда сифатида қайд қилинган.

Чигирткаларнинг ҳаёт кечириш тарзига асосан, тўда хосил қиласидиган, яъни оммавий равишда қўпаядиган ҳамда тўда хосил қилмайдиган, якка-якка яшайдиган турларга ажратилади. Тўда хосил қилувчи чигиртка турлари шундай турларки, улар ялпи ривожланган йилларда ғуж-ғуж ҳашаротлар тўдасини хосил қиласи, баъзан бундай тўдалар йиғилиб, чигирткаларнинг учиб юрувчи галаларини юзага келтиради. Тўдаларда личинкалар сони ҳар бир квдрат метр жойга 2-3 мингтагача, хатто тўқай чигиртка биринчи ёшдаги личинкалари сони 1кв.м.га 80000 тагача етиши мумкин. Чигирткаларнинг хаддан ташқари катта заар етказиши сабабларидан бири, уларнинг жуда кўп микдорда, тинимсиз озиқланишидир, бир кунда ҳар бир чигиртка ўз вазнига нисбатан 2-3 баробар ортиқ бўлган кўк массани еб битиради. Тўдаларга йиғилган миллирдлаб чигиртка личинкалари ёки имаголари бир кунда ўз йўлидаги улкан майдонлардаги экинзорларни мутлақо нобуд қила олади.

Ўзбекистонда 250 дан ортиқ чигиртка тур ва кенжа турлари маълум бўлиб, уларнинг ўндан ортиқ тури заракунанда сифатида қайд қилинган. Уларга туда хосил қилувчи турлардан Оsie (тўқай) чигирткаси, марокаш чигирткаси, воҳа чигирткаси ва шунингдек туда хосил қилмайдиган турлар саксовул букриси, отбосар чигиртка, қир чигирткаси мисол бўла олади.

Бу турлар доимий ривожланиш ўчоқларининг сақланиб қолиши ва уларнинг айниқса тўда хосил қилувчи турлар биологик ривожланиш имкониятларининг юксаклиги, чигирткалар томонидан доимий хавф мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу зааркундаларга қарши кураш чораларини олиб борилиши бир неча ўн йиллар давомида жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ечиш учун катта майдонларда чигирткаларга қарши кимёвий моддалар ишлатилади, бу эса ўз навбатида атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатибина қолмасдан, инсон саломатлигига ҳам заар етказади, республикамиздаги чигирткалар тарқалган худудларда фитосанитар холатини бузади. Кимёвий моддаларнинг узок муддатларда ишлатилиши эса яловлар, дарё ҳавзалари, кўлларда тиклаб бўлмайдиган экологик бузилишларга олиб келади.



Чигиртканинг яшаш цикли

Чигирткалар турлар сони жихатидан энг катта гурухни ташкил этади. Бу оиланинг бир неча вакиллари хавфли зааркунандалар қаторига киради ва улар орасида туда хосил қилувчи ва туда хосил қилмайдиган заарли чигирткалар фарқланади

### **Ўзбекистон ҳудудидаги тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган заарли чигирткаларнинг асосий турлари**

Ўзбекистонда туда хосил қилувчи заарли чигирткаларнинг уч тури: **Осиё, марокаш ва Италия ёки воҳа чигирткаси** мавжуд бўлиб, улар яшаш тарзи, озиқаниши ва тарқалиш майдони билан бир-биридан кескин фарқ, килади. Чигирткалар ўсимликхур хашарот хисобланади. Табиатда бир дона чигиртка танасининг катта кичиклигига қараб бир кунда 90 мг дан 280 мг гача ўсимлик массаси билан озиқланади.

**Осиё (тукай) чигирткасининг** туда ҳосил қилувчи ва якка холда хам ривожланувчи хиллари мавжуд. Туда ҳосил қилиб яшовчи турлари ўчоқлар ташкил қилиб, қанот ёйгандан сўнг, узоқ, масофаларга учиб ўтади.

Осиё чигирткасининг якка холдаги хили Сурхондарё вилоятининг Амударё бўйидаги қамишзорларида хам учрайди ва қулай шароитда туда формасига ўтиши мумкин. Қамишлардан ташқариғўза, буғдой, арпа, маккажухори, оқ жухори, тариқ ва бошқа экинлар, айrim холларда эса дараҳтлар новдалари ва барглари билан озиқланади. Осиё чигирткасининг урғочиси 75 мм, эркаги 70 мм. Кулранг-яшил ва қорамтири-кулранг, елкасидаги ўрта ўсиқчаси қиррали тўғри-текис ёки ботик ёнбошларида иккита қора баҳмал рангли изи бор. Устки қанотлари қулранг майда доғлар билан қопланган, қанотлари тиник яшил-сарғиши. Якка яшайдиган формалари оч-яшил ёки кулранг, елка усити бўртиб кўтарилиган. Личинкалари беш ёшни ўтиб ривожланади. Тудалик фазаси даврида биринчи ёшдаги личинкалари деярли қора, улғайган сари очроқ тус олади.



Кўзачаларини дарё ва кўл ёқаларидаги сийрак қамишзорларга, юмшоқ, тупроқда жойлаштиради. Кўзачалар сони 1 м.кв. да 10-100 тагача, баъзан 1000 тагача бўлиши мумкин. Личинкалар май ойининг биринчи ярмида тухумдан чиқа бошлайди, ривожланиши 40-45 кун давом этади, қанот чиқариши июндан бошланади ва 30-40 кундан сунг тухум қўйишга киришади. Туда формалари йилда бир, яккалари икки марта бўғин беради. Биринчи бўғин личинкалари апрелда, улардан етишган қанотлилар май ойида пайдо бўлади. Тухум қўйиши июнга тўғри келади, 15-20 кун ўтгач, иккинчи бугин личинкалари чиқади, улар августга бориб қанот ёзади ва сентябрдан баҳоргача қишлоғчи тухумлар қўяди. Осиё чигирткаси тўда ҳосил қилмаган даврида асосан сув бўйларида учрайдиган ёввойи бошоқли ўсимликлар

билин озиқланади. Осиё чигирткаси умри мобайнида 300-500 граммгача ўсимлик массаси билан озиқланади. Осиё чигирткаси бошқа турдаги туда хосил қилувчи чигирткалар сингари якка холатга ҳам ўтади. Тұда холатдан якка холатга ўтувчи давр бир неча йил давом этиши мумкин. Шунинг учун осиё чигирткаси якка холатдан тұда холатга ўттан бўлса, демак уларнинг кенг майдонда таркалиш жараёни тезлашади. Бундай холат башорат ишларини олиб боришга имкон беради. Якка холатдан туда холатга ўтиб кенг майдонда таркалиши учун яна 1-2 йил керак бўлади.

**Италия ёки воҳа чигирткаси** (prusi) Ўзбекистоннинг тоғли худудларида буғдойикли ва хар хил турли бетагали-бўзли ўсимликлар ассоциацияси ўсадиган жойларда кенг таркалган. Ўзбекистоннинг хамма суғориладиган ерларида қишлоқ хўжалик экин майдонлари яқинида учрайди. Ташки кўриниши, етук ёшдаги (имаго)си қорамтири-кунгирдан оқ қулранг ёки сарғиш-кулранггача, елка сатхи яссиланган. Кўкрак пастида ўзига хос ўсимтаси бор, қанотларининг асосий қисми пушти, сакровчи оёқларининг сони жуда йўғон, икки томони пушти, болдиrlари қизил ёки пушти, эркаклари (14-25 мм) ургочисига (26-38 мм) нисбатан анча кичик. Кўзачаси 35 мм, бироз эгилган, ўрта қисмида иккига бўлиб турувчи чоки бор.



Кўзачаларини уватларга, йўл ёқаси, гўза далалари атрофига, ариқ, бўйлари, бедазорларга, полиз сабзавот, ток ва боғларга хамда бўз, ташландик, ерларга қўяди. 1 м.кв. майдонга одатда 5-20 та, айрим ҳолларда 1000 тагача кўзача қўйиши мумкин. Личинкаларининг тухумдан чиқиши вақти март ойининг охирларидан июнгача давом этади. Кўзачадан личинкаларнинг бир маромда чиқмаслиги заарқунандага қарши кураш чораларини ўз вақтида олиб бориш учун қийинчилик туғдиради. Тухумдан чиқкан личинкалар ғўза майдонларига кириб экинга катта зарар келтириши мумкин.

**Марокаш чигирткаси** Марокаш чигирткасининг номи Марокаш давлатининг номи билан аталиб, унинг Атлас тоғларида илк бор тур сифатида аниқланган. Марокаш чигирткаси ургочи ҳашароти танасининг узунлиги 25-42 мм, эркак ҳашаротнинг ўлчами 20-35 мм, ранги сариқ-оч-кунғир тусда. Олд елкасининг юқори томонида оч рангдаги X ҳарфини эслатувчи крестсимон белгиси бор. Қанотлари қорин қисмидан узун, рангсиз-шаффоф. Марокаш чигирткаси кўзачаларда тухум холатида қишлиб чиқади. Ўзбекистон шароитида март ойининг ўрталари ва апрел ойининг бошларида тухумдан личинкалар чиқа бошлайди. Қулай об-хаво шароитларида личинкалар 3-6 кун давомида тўлиқ тухумдан чиқиб бўлишади. Личинкалик даври 25-35 кун давом этади ва 5 ёшни ўтайди.



Қанот чиқарған марокаш чигирткасининг имагоси 2-3 кун давомида жуда күп озиқланади ва 3-10 кундан сўнг урчий бошлайди. Ургочи чигирткалар оталангандан сўнг 10-15 кун ўтгач тухум қўя бошлайдилар. Хар бир чигиртка 2-4 кўзачада тухум қўяди, кўзачадаги тухумлар сони эса 30-45 та бўлади. Кўзачаларининг 1 кв.м майдондаги миқдори ўртacha 75 тадан 1500 тагача бўлиши мумкин, бальзи холларда эса хатто 6000 тагача етади. Хашарот кўзачаларни тупроқка шундай жойлаштирадики, уларнинг устки қисми тупроқ юзасидан 1-2 см чукурликда бўлади. Хашаротларининг табиий нобуд бўла бошлиши май ойининг охирларида кузатилади ва асосан июн ойига тўғри келади, июл ойининг бошларида улар тўла қирилиб кетади.

### Тўда ҳосил қилмайдиган заарли чигирткалар

**Отбосар чигирткаси** алохida хаёт кечирмайди, аксарият марокаш ва турон чигирткалари тарқалган майдонларда тарқалган. Таşқи тузилиши бўйича марокаш чигирткасига жуда ўхшайди, лекин танаси нисбатан йўғонлиги, тупроқ ранглилиги, кўкрак олдидағи X белгисининг пастки қисми учбурчак бўлиши билан фарқланади. Катта ёшдаги чигирткаларнинг тепа қанотлари марокаш чигирткасига нисбатан калта урғочи чигирткаларнинг узунлиги 20-30 мм, болдири қизил, эркакларининг ўлчами 15-20 мм. Тухум кўзачалари ҳам марокаш чигирткасиникига жуда ўхшаёт, аммо кичикроқ, 19-30 мм, қалинлиги 5-6 мм. Кўзача ичида 15-20 тагача тухум жойлаштиради, кўзачанинг юқори қисмida марокаш чигирткасидагидай оқ кўпик йўқ. Эркак личинкаси 4 ёшни ўтаса, урғочиси беш ёшни ўтаб, етук (имаго) ҳашаротга айланади.



Отбосар чигирткасининг эркаги ва урғочиси

Отбосар чигирткаси асосан пиёз-арпали ва ранги турли бир йиллик ўт ўсимликлар хамда шувоқли-карракли ассоциациялар таркалган ўсимликлар билан озиқланади, бошоқли ўсимликларни хуш кўради.

Отбосар чигирткаси тухум кўзачаларини қуруқ ерларга, айрим ҳолларда хайдалган ерларга, 1 м.кв майдонда 20-100 тадан жойлади.


**Қир чигирткаси ёки турон пруси** Ўзбекистоннинг тоғ олди текисликларида, тоғ олди худудларида кўп тарқалган. Қир адирларда, буғдой, арпа, сули, тариқ, ва бошқа экинларга, қанот ёзган даврида гўза майдонларга хам зарар келтириши мумкин. Қанот хосил қилган даврида гала-гала бўлиб, узоқ масофаларга уча олади. Етук формаси йирикроқ (эркаги 25-30 мм, ургочиси 40-50 мм). Тўқ кулранг, орқа сонлари ички томондан хира кулранг ёки сарик, болдиirlари ташки томондан сарик, ички томондан тўқ сарик.

Кўзачаси, тухуми ва личинкалари воҳа чигирткаларидан ранги ва катталиги жиҳатидан озгина фарқ қилиши мумкин. Личинкаларнинг тухимдан чикиш вақти марокаш чигирткасига нисбатан 10-15 кун кейинроқ бошланади. Муддати июн ойининг охиридан июл ойининг сўнгигача кузатилади.



**Катта саксовул букур чигирткаси** бу турдаги чигирткалар озиқланиши чегараланган турга киради, яъни (олигофаг) бир оиласига мансуб бўлган ўсимлик билан озиқланади. Катта саксовул букур чигирткаси асосан йирик бутасимон ўсимликлар билан озиқданади, шунинг учун хам унинг номи саксовул чигирткаси деб аталади.

Саксовул чигирткаси қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирмайди, сабаби йирик бутасимон ўсимликлардан бошка ўсимликлар билан озиқланмайди.



Вахоланки катта саксовул чигирткаси бошка турдаги қишлоқ, хўжалик экинлари билан озиқланмаса хам, бутасимон ўсимликлар, хусусан саксовул ва юлгунга жуда катта зарар келтириши оқибатида шамол ёрдамида қумларнинг қишлоқ хўжалик экинларига кўчиб ўтишига олиб келади.

## Зарарли чигирткаларга қарши кураш чоралари

Чигирткаларга қарши курашнинг энг қулай усули бу кимёвий усул бўлиб, у анча самарали ва иқтисодий жихатдан мақбул хисобланади. Фақат кимёвий усул ёрадамида тез ва ўз вақтида кам харажат қилиб, зарарли чигиртка ялпи кўпайишини олдини олган холда, қишлоқ хўжалик экинлари ва яйлов ўсимликларини саклаб қолиш мумкин. Лекин шунга қарамасдан кимёвий усул чигирткалар оғатидан фақат вақтингчалик сақланиб туришга имконият яратади холос ва бу заракунандаларнинг у ёки бу турини потенциал зараркунанда сифатида сафдан чиқариш имкониятини яратади, яъни кимёвий кураш чорасини ўтказиш тўхтатилиши биланоқ қисқа муддатлар ичида(1-2 йил) улар яна ялпи кўпайиб зарар келтира бошлидилар.

Фақат кимёвий усул билан чигирткалар зарар келтириш хавфини тўла бартараф қилиб бўлмайди. Бу мураккаб вазифани **агротехник, биологик кураш чоралари ва ташкилий-хўжалик ишларини** бирга олиб боргандагина амалга ошириш мумкин. Бу усулларни биргаликда олиб бориш чигирткалар тарқалган ўчоқлардаги экологик вазиятни тубдан ўзгартириб қолмасдан, бу заракунандаларнинг кўпайиши ва мавжудлик имкониятларини чегаралаб қўяди.

Чигирткаларга қарши курашишда, агротехник ва ташкилий-хўжалик ишларини тўғри олиб боришга асосланган қўйидаги усуллар тавсия қилинади:

1. Кўриқ ерларни узлаштириб, қишлоқ хўжалиги экинзорларига айлантириш билан марокаш чигирткаси, қўриқ ва ярим лалми чигирткаларининг ривожланиш ўчокларини бартараф қилиш;
2. Воҳа чигирткаси ва тўда хосил қилмайдиган чигирткалар ривожланиш маконлари бўлмиш, увотлар, бўш ётган ва партов ерларни узлаштириш ёки маданийлаштириш;
3. Пичанзор ва яйловларни янги ем-хашак ўтларини экиш йўли билан янгилаш ва яйловларда чорва молларини боқиши ишларини тартибга солиш;
4. Профилактик чора сифатида заракунандалар етказадиган зарарни кескин камайтирувчи тўғри агроехника чораларини (экиш муддатларига риоя қилиш, ерни чуқур шудгорлаш, бегона ўтларга қарши кураш) ўтказиш;
5. Турли ирригация ва мелиорация тадбирларини олиб бориш: осиё чигирткаси ривожланиш макони бўлган қамишли тўқайзорларда сув сатхини назорат қилиш билан, бу чигиртка тури ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келтириш, яъни қамшзор майдонлар сувини куритиши, ўсимлик копламини ўзгартириш ва б.

Чигирткаларга қарши **биологик кураш** олиб бориш истиқболли усуллардан бири бўлиб, у асосан микроорганизмлар ва нематодалардан фойдаланишга асосланган. Ўзбекистонда чигирткаларда учрайдиган касаллик чақириувчи замбруғлар ўрганилган бўлиб, марокаш чигирткасидан *Beauveria tenella Delacr* деб аталмиш замбруғ ажратилган ва ундан чигирткаларга қарши фойдаланиш мумкин булган BD -85 штамми ажратилган. Бу штаммни осиё ва воҳа чигирткаларига нисбатан юқори инсектицидлик хусусияти мавжуд.

**Кимёвий усул.** Чигирткаларга қарши курашда юқори самародорлиги, иқтисодий нуқтаи назардан афзаллиги ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлигининг баландлиги сабабли, кенг миқиёсда қўлланилиб келинмоқда. Айниқса бу усулдан зараркунандаларнинг ялпи кўпайган йиллари фойданалиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Чигирткаларнинг кўпайиши жараёнининг авжига чиқиши олди фазаларида кимёвий препаратларни фақат хашаротлар ривожланиш ўчоқларида ишлатилади. Ёппасига ишлов бериш эса, личинкалар зичлиги баланд бўлган йилларда амалга оширилади. Бундай шароитларда айниқса, узоқ муддат таъсир курсатувчи прпаратлар билан

баръерли ишлов ўтказиш яхши самара беради. Чигирткаларнинг ривожланиши авжига чиқкан даврлардагина кимёвий ёппасига ишлов беришни йулга қўйиш лозим. Атроф мухитга бўлаётган кимёвий таъсирни иложи борича камайтириш учун препаратларни туғри танлаш, ишловни ўз вақтида ва ишлатиш технологияларини мукаммал олиб бориш зарур.

Кимёвий ишлов беришни чигирткалар ривожланётган мухит шароитга қараб белгиланади: воҳа чигирткасига қарши 1кв.м. жойга 2-5 та личинка, тўда хосил қилмайдиган чигирткаларга қарши 10-15 личинка бўлганда олиб борилади. Заараркунанда личинкалари 2-3 ёш бўлган пайтда ишлов бериш юқори самара беради. Кичик ёшдаги личинкаларга қарши препаратлар энг кам микдорда, нисбатан катта ёшдаги личинкаларга қариши эса белгиланган препаратурнинг юқори нормада ишлатиш керак. Ишлов бериш чигирткалар қанот чиқаргунча якунланиши лозим. Хозирги кунда чигирткаларга қарши кимёвий воситаларни ишатишнинг пуркаш усули энг кенг тарқалган. Бунинг учун ерустки пуркаш ускуналаридан варракли ва штангали пуркагичлар, самолет, вартолет ва мотодельтапланлар ишлатилади. Ер усти пуркагичлари учун ишчи аралашма микдори 200-300 л\га, авиаишлов беришда 25-50 л\га., мотодельтапланларни ишлатишда эса 5-25л\га. қилиб белгиланади. Пуркаш ишлари эрталабки ва кечки соатларда амалга оширилади. Пуркаш ишларини олиб боришда ишчи эритма сепиш томчиларининг катта-кичиклиги шамол тезлига боғлиқ равишида белгиланади. Авиация ёрдамида йирик томчили пуркашда шамол тезлиги 4м\с дан, кичик томчиалатиб сепишда эса 3м\секдан баланд бўлмаслиги лозим. Ер усти ускуналари билан ишлаганда ҳам шамол тезлиги 3м\сек ёки ундан паст бўлиши керак. Баръерли усулда пуркаш ишларини фақат эрталабки соатларда олиб бориш мақсадга муофиқдир.

### **Кимёвий воситалар самарадорлигини аниқлаш.**

Юқори заҳарлилик хусусиятига эга бўлган кимёвий воситаларнинг таъсири улар ишлатилгандан кейин 2-3 кун давомида тўла намаён бўлади. Бундай гурух кимёвий воситаларга фосфорорганик бирикмалар ва синтетик пиретроидлар мансубдир. Шунинг учун бундай инсектицидлар ишлатилган майдонларда, уларнинг самарадорлигини аниқлаш ишлари, ишлов ўтказилгандан сўнг 2-3 кун мобайнида олиб борилади. Биологик самарадорлик чигирткалар микдорининг камайганлигини аниқлаш билан белгиланади. Личинкалар зичлигининг камайиши  $50\times50$  см, ( $0,25\text{m}^2$ ) ўлчамдаги рамкалар ёрдамида аниқланади. Назоратчи рамкани ишлов берилган майдонни ўрганиш пайтида, ўзидан 2 метир узоқликка ирғитиш ёки уни тасодифий жойлаштириш йўли билан ўрнатиб, рамка ичидаги ўлик ва тирик чигирткалар микдорини аниқлайди. Бу пайтда ўлик ва тирик хашаротлар йигиндиси ишлов беришдан олдинги чигирткалар зичлиги деб қабул қилинади. Одатда ҳар бир гектар ишлов берилган майдондан 10 намуна олинади. Жуда катта майдонларни ўрганишда эса ҳар бир гектар майдондан камида бир, иложи борича ундан кўпроқ намуна ўрганилади.

Биологик самарадорлиги анча суст намаён бўладиган кимёвий воситаларни ўрганиш ишлари анча чўзилади, шунинг учун ҳам хисоб китоб қилиш ишлов беришдан олдин ва кейин олиб борилади. Чигирткаларнинг зичлигини аниқлашнинг энг оддий усули, уларнинг  $1\text{m}^2$  майдондаги микдорини оддий визуаль усулда санаш билан олиб борилади. Бу усул ўсимлик қатлами қалин бўлмаган ва сийрак майсазарларда чигирткаларни хисобга олишда яхши натижа беради. Ўрганилаётган майдон параллелига ҳар 100 метр оралатиб,  $1\text{m}^2$  майдондаги хашаротлар микдори аниқланади. Бунда параллел маршрут ва хисоб ўтказилаётган нуқталар оралиғидаги масофа teng қилиб белгиланади. Личинкалар микдорини аниқлаш ишлари, эрталабки

соатларда, личинкалар кам харакат бўлган пайтларда олиб борлади. Ишлов беришдан кейин кузатиш ишлари олиб бориш вақти ишлатилган препарат тури ва унинг ишлатиш нормасига қараб белгиланади. Жумладан, адонис ва димилин препаратларини барьер усулда ишлатилганда унинг биологик самарадорлиги, ишлов берилгандан 7-14 кундан сўнг, адонисни оддий усулда 0,1 л/га миқдорда ишлатилганда эса кузатиш ишлари 3 кундан кейин олиб борилади.

Биологик самарадорлик қўйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\mathcal{E} = \frac{a - b}{a} \cdot 100,$$

Э- самарадорлик %.,

а- чигирткаларнинг ишлов беришгача бўлган миқдори, экз.,

б- чигирткаларнинг ишлов берилгандан кейинги миқдори, экз.

Ялпи ривожланадиган чигирткаларнинг якка ривожланиш даврида хамда туда хосил қилмайдиган чигиртка ва темирчакларга қарши кимёвий ишлов берилганда самарадорлик 85% дан ортиқ, туда хосил қилувчиларнинг ялпи ривожланиш даврида эса самарадорлик камида 95% бўлганида препаратнинг биологик самарадорлиги қониқарли деб баҳоланади.

### **Чигирткалар тарқалган майдонларни назорат усуллари**

Чигирткаларга қарши олиб борилаётган тадбирларни тўғри ташил қилиш ва муваффақиятли ўтказиш учун улар заарлаган майдонлар тўғрисида бир қатор маълумотларга эга бўлиш лозим. Жумладан, чигирткалар ривожланаётган ёки ривожланиши эҳтимоли бўлган худудлар аниқ бўлиши, шунингдек заарланган майдонлар ва уларнинг хажми, чигирткалар ёки уларнинг кўзачалари билан зарланганлик даражаси тўғрисида аниқ маълумотлар йиғилиши лозим. Шу мақсадларда тубандагича текшириш ишлари олиб бориш белгиланади.

1. Личинкалар пайдо бўладиган майдонларни аниқлаш учун ўтқазиладиган баҳорги назорат ишлари;
2. Қанот чиқарган чигирткалар миқдорини аниқлаш учун ўтқазиладиган ёзги назорат ишлари;
3. Чигирткалар қўйган кузачалар миқдорини аниқлаш учун ўтқазиладиган кузги назорат ишлар;
4. Кўячалар миқдорини аниқлаш учун ўтқазиладиган баҳорги назорат ишлари.

**Личинкалар пайдо бўладиган майдонларни аниқлаш учун ўтқазиладиган баҳорги назорат ишлари** личинкалар пайдо бўлган даврдан, уларнинг қанот чиқариш давригача олиб борилади (кураш чоралари олиб бориш ишлари бошлангунга қадар). Бу ишларини олиб боришдан мақсад, личинкалар пайдо бўладиган майдонлар миқдори, пайдо бўлиш муддатларини аниқлаш, кураш чораларини ўтказиш ишларини режалаштириш учун заарланган майдонларни белгилаб олишдан иборат. Бунда чигирткалар тарқалган ёки тарқалиши эҳтимоли бўлган жами майдонлар текширилиб, ўтган йили чигирткалар куп учраган, ёки кузги назорат даврида кўзачалар кўп тарқалган майдонларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Қанот чиқарган чигирткалар миқдорини аниқлаш учун ўтқазиладиган ёзги назорат ишлари** чигирткаларнинг қанот чиқариш даврида, уларнинг тўла нобуд бўлиш давригача олиб борилади. Бу тадбирни олиб боришдан мақсад, чигирткалар тарқалган худудларда уларни аниқлаш, тур таркибини ўрганиш, шунингдек кураш

тадбирлари ўтказилгандан сўнгги чигирткалар хатти-харакати, миқдори ва тухум қўйилган худудларни белгилашдан иборат. Мана шу кузатиш асосида, кузги назорат ишларининг тахминий режаси тузилиб, кейинги йилда ўтказиладиган кураш тадбирлари хажми аниқлаб олинади.

**Чигирткаларнинг ялпи учиш холатларини кузатиш** тўда хосил қилувчи чигирткаларнинг ялпи кўпайган йиллари, уларни узок масофаларга ёки кўпайиш маконларининг ўзида оммавий учиш холатлари содир бўлади. Бундай пайтларда чигирткаларнинг ялпи учишлари назорат қилинади. Бундан асосий мақсад, учган чигиртка тўдалари миқдорини, улар йуналишини аниқлаш ва чигирткалар тўдаси кўнган, тухум қўйиш имконияти бўлган худудларни белгилаб олишдан иборат.

**Чигирткалар қўйган қўзачалар миқдорини аниқлаш учун ўтказиладиган кузги назорат ишлари** чигирткаларнинг тухум қўйиш даври тугагандан, уларнинг нобуд бўлиш давригача олиб борилади. Бу кузатиш ишларини ўткзишдан мақсад, хар бир метр квадрат майдончага қўйилган қўзачалар сонини ва уларнинг шу худуд бўйлаб тақсимланишини аниқлашдан иборат. Чигирткалар тўда хосил қилмайдиган босқичда ривожланган бўлса текширув ишлари заарқунанда ривожланиши ва тухум қўйиш эҳтимоли катта бўлган майдонларда танлаб ўтказилади. Бу кузатишлардан олинган маълумотлар кейинги йилда ўтказиладиган кураш чораларини режалаштиришда фойдаланилади. Бу ишларни олиб борувчи назоратчилар қуидаги анжомлар билан таъминланиши керак:

маршрут варақалари, дафтар ва қалам, енгил белкурақ компас, кузачалар солиш учун кутича, паразит ва йиртқич хашаротларни териш учун пробиркалар, қоғоз этикеткалар ва х.к.

**Кўзачалар миқдорини аниқлаш учун ўтказиладиган баҳорги назорат ишлари** қишлиб чиқкан тухумлар миқдори ва уларнинг ривожланиш холатлари, тахминий тухумдан чиқиши муддатлари хамда кузги кузатиш натижаларини қанчалик тўғри олиб борилганлиги аниқлаш мақсадида ўтказилади. Кузатиш эрта баҳорда тупроқ нами қайтиб, ишлаш имконияти туғилган даврда, тухумдан личинкалар чиқишидан тахминан бир ой олдин, кузги назорат олиб борилган майдонларда ўтказилади.

### **Ташкилий ва хўжалик чора тадбирлари**

Кузги ва эрта баҳорги кузатув-назорат ишларини олдиндан белгиланган режа бўйича заарли чигирткалар ёппасига тухум қўйган майдонларда ўтказилиши, ерни ковлаб чигирткалар қўзачаларидан намуналар олиниши билан келгуси мавсумда уларнинг кўпайиши ва тарқалишини башорат қилиш, башорат асосида қарши кураш иш хажмларини режалаштириш, керакли препаратлар, автотранспорт (сув ташиш техникалари), трактор ва осма қўл пуркагичлари, ёнилги-мойлаш воситалари, ишчи кучи ва маблағларига бўлган талабларни аниқлаш тадбирлар ташкилий ва хўжалик чора тадбирлари ҳисобланади.

Келгуси мавсумда заарли чигирткаларга қарши кураш учун зарур бўлган харажатлар бўйича хисоб-китоблар бажарилади, зарур препаратларни олиш ва сақлаш, трактор ва осма қўл пуркагичларини таъмирлаш ва ишчи-ходимларни тайёрлаш ишлари амалга оширилиши максадга мувофиқ бўлади.

Заарли чигирткаларнинг кўпайиши ва тарқалиши мумкин бўлган хўжаликлар ва фукаролар йиғинлари билан, мавсумда қарши кураш ишларини ўтказиш бўйича тегишли шартномалар тузилади.

Кураш ишларида қатнашадиган чигирткаларга қарши кураш экспедициялари хизматчилари, барча трактор хайдовчилари, дезинфекторлар ва ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилади, меҳнат ва техника хавфсизлиги бўйича хамда моторли ва кул

пуркагичларни ишлатиш бўйича йўл-йўриқлар ўргатилади, махсус кийим-кечак ва химоя воситалари билан таъминланади

### **Агротехник кураш чоралари**

Кейинги йилларда лалми фалла экиласидиган майдонлар қисқариб бораётганлиги республикамизнинг бир қатор вилоятларида заарли чигирткаларнинг тухум қўйиш ўчоқларининг кенгайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг ёппасига кўпайиши, қишлоқ хўжалик экинлари майдонларига жиддий хавф солиши ва зарар келтириш ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Шу сабабли юқоридаги каби қайд этилган жойларни қора шудгорлаш, бороналаш ва дискалаш ишларини вақти-вақти билан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ҳолатларда кунжара талқони ёки беда ва бопўа серсув ем-хашак экинларидан алдамчи ем тайёрлаб, уларни қўллаш хам яхши самара бериши мумкин. Бунда албатта уларга ҳозирги пайтда заарли чигирткаларга қарши қўлланилаётган захарли дорилардан бирортасини кушиш лозим бўлади. Кейинги йилларда воҳа хамда маҳаллий чигирткалар кенг тарқалаётган ва хавф тугдираётган жойларда, бўш ётган жойлар ва дала четларини хайдаш, уларни узлаштириш ишларини амалга ошириш бу турдаги чигирткаларнинг ёппасига кўпайиб кетишининг олдини олишда муҳим тадбирлардан бири бўлиб хисобланади.

### **Республика бюджети маблағлари хисобидан заарли ва маҳаллий чигирткаларга қарши кураш ишларини ўтказиш тартиби**

Ушбу тартиб, Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 29 март 148-сонли "Ўсимликларни химоя қилиш хизмати тузилмаси ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори, бу қарор юзасидан қабул килинган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 2 апрел 85-сонли ва 7 апрел 90-сонли буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1997 йил 23 декабр 558-сонли "Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар уларни олдини олиш ва харакат қилиш Давлат тизими тўғрисида"ги қарори асосида, яйловларни ва қишлоқ хўжалиги экинларини чигирткалардан химоя қилиш ишларини Республика бюджети маблағлари хисобидан ўтказиш чора-тадбирларини жойларда амалга оширилиши, ажратилаётган маблағларни мақсадли ва самарали фойдаланишни белгилайди.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чигирткага қарши курашиш хизматлари хамда вилоятлар ўсимликларни химоя қилиш марказлари томонидан қуидаги ишлар амалга оширилади:

-чигирткаларнинг тарқалишини башорат қиласиди ва уларга қарши ўтказиладиган кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқади хамда вилоят худудида ўтказилишини ташкиллаштиради ва назорат қиласиди;

-чигирткаларнинг тарқалиш майдонларини хисобга олган ҳолда яйлов ва қишлоқ хўжалик экинларини уз вақтида химоя қилиш учун зарур бўладиган кимёвий воситаларни етказиб келтириш ва ўз техникаси билан кимёвий ишловларни сифатли ўтказиш чорасини кўради;

- ўз техникаси билан кимёвий ишловларни ўтказиш имконияти бўлмаганда ёки техника етишмаганда хўжаликларнинг техникасини ижарага олиб ишлатади ва унга смета калькуляциясида курсатилгани бўйича ижара хақи тулади.

- кузатув ва кураш ишлари ўтказиладиган майдонлар хамда жой рельефини хисобга олган ҳолда кураш мавсумида меҳнат шартномаси асосида мавсумий кузатувчи-назоратчиларни ва дезинфекторларни ишга олади;

- зарарли чигирткаларга карши агротехник механик биологик ва бошқа кураш чораларини ташкиллаштириш ва ўтказишида услугий хамда амалий ёрдам беради;

- ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш, уларни қўллаш регламентларига риоя этилишини таъминлайди;

- туман қишлоқ ва сув хужалиги бошқармаси ва ўсимликларни химоя қилиш отряди, қишлоқ фукаролар йифини, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ўсимликларни химоя қилиш отряди раҳбар ва мутахассислари иштирокида бажарилган ишлар бўйича далолатномаларни ва хужжатларни тайёрлайди ва расмийлаштиради;

- ўзига берилган хукуқ доирасида қўшни чегарадош давлатларнинг мутасадди ташкилотлари билан чегара зоналарида биргаликда кузатув ишларини олиб бориш, чигирткаларнинг республика худудига учиб ўтишининг олдини олиш чораларини кўради;

- кузги ва баҳорги кузатув-назорат, тупроқ намуналарини олиш натижалари бўйича чигирткалар тарқалган жойларни аниқлаб хариталар тайёрлайди, вилоятлар ва республика штабига тақдим қиласди;

- кимёвий воситалар билан ишловчи одамларни тиббий кўрикдан ўтказиши ва техника хавфсизлиги бўйича йуриқномалар билан таништиради;

- чигирткага қарши кураш учун керакли бўлган кимёвий воситалар захирасини яратади ва жойларга етказади;

- кимёвий химоя қилиш воситаларини Давлат кимё кумитаси томонидан белгиланган меъёрлар ва регламентга риоя килган ҳолда, атроф-мухитни ифлослантирумасдан қўллаш, бунда кўп йил давомида бир хил препаратларни ишлатилишига йўл қўймаслик ва бундай жойларда уларни алмаштириб ишлатиши ташкиллаштиради;

- жойларда қўлланилаётган кимёвий препаратларни самарадорлигини аниқлаб боради, далолатномалар тузади;

- препаратлар тавсия этилган меъёрларда етарли самара бермаган ҳолларда тегишли далолатнома ва бошқа хужжатларни расмийлаштириб, препаратни ишлаб чиқарувчи корхонага ва препаратлар билан таъминловчи ташкилотга эътирозномалар тақдим этади;

- вилоятлар ўсимликларни химоя қилиш марказлари директорлари ва чигирткага карши курашиш хизматлари бошлиқдари чигирткага карши кураш учун ажратилган пул маблагларининг ва кимёвий воситаларнинг мақсадли ишлатилиши учун шахсан жавобгар хисобланадилар.

### **Кимёвий ишловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби**

Вилоятлар ўсимликларни химоя қилиш марказлари ва чигирткага карши курашиш хизматлари томонидан зарарли ва махаллий чигирткаларга карши кураш ишларини ўтказиш буйича туман ҳокимиятидан талабнома хат олинади. Туман худудида чигирткаларга қариш кураш ишларини ўтказишбўйича тегишли ташкилотлар билан шартнома тузилади.

Зарарли ва махаллий чигирткалар тарқалган майдонларни аниқлаш бўйича кузатув назорат ишлари ўтказилганлиги тугрисида далолатнома тузилади ва бу хужжат ишловларни ўтказиш учун асос бўлади.

Чигирткаларга қарши кимёвий ишлов ўтказилганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва бу хужжат ишлов харажатларини тўлашга, кимёвий препаратларни хамда ёқилги-мойлаш махсулотларини хисобдан чикаришга, давлат бюджетидан маблағ олиш учун хисоб варақларини ва иш хақини хисоблашга асос бўлади.

Кимёвий ишловлар ўтказилгандан кейин 1-3 кун давомида қўлланилган препаратларни самарадорлиги кўрилади ва бажарилган иш хўжалик (коракўлчилик ёки фермер), ҳудудий ташкилот (МТП, СФУ, КФЙ), қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ёки туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди томонидан қабул қилиб олинади.

Расмийлаштирилган хисоб варақлари тўлов учун туман ғазначилигига тақдим этилади.

Кимёвий ишлов ўтказилган вактда ишлатилган препаратлар чигирткаларга карши кимёвий ишлов ўтказилганлиги тугрисида тузилган далолатнома асосида хисобдан чикарилади.

Куз ва эрта баҳор ойларида тухум кузачалар бўйича ўтказилган тупроқдан намуна олиш кузатув-назорат ишлари бўйича хам далолатнома тузилади. Шу асосда чигирткалар тухум кўйган жойлар харитаси тузилади

### **Чигирткаларга қарши кимёвий ишловларни ўтказишни режалаштириш**

Келгуси йилда чигирткаларга қарши ўтказиладиган кимёвий ишловлар ҳажмини режалаштиришда қуйидаги қўрсаткичларни хисобга олиш лозим бўлади.

1. Туда ҳосил қилувчи осиё (тукай), марокаш ва Италия чигирткаларига карши кимёвий ишлов бериш майдонларининг ҳажмини аниқлашда кузги кузатиш натижалари асос қилиб олинади.

Бунда кимёвий ишловлар ҳажми қуйидагicha:

1м<sup>2</sup> жойда ўртacha 1-2 та тухум кузача бўлганда - 100% майдон ва ўртacha 4 тадан ортик кузача булган жойларда - 200% майдонда кимёвий ишловлар ўтказилиши режалаштирилади.

2. Туда ҳосил қилувчи чигирткаларни вояга етган (имаго) сони кам бўлган йилларда кимёвий ишловлар ҳажмини режалаштиришда қанот чиқарган чигирткаларни тухум кўйиш даврида ўтказиладиган кузатувлар маълумотлари қўлланилади. Бу ҳолатда ўртacha 1 гектарда чигирткалар сони қуйидагicha бўлганда кимёвий ишловлар режалаштирилади:

ўртacha 1 гектарда 200-300 дона чигиртка бўлганда жойларда жами майдоннинг - 10% ни;

ўртacha 1 гектарда 300-400 дона чигиртка булганда - 20% ни;

ўртacha 1 гектарда 500-1000 дона чигиртка булганда - 50% ни;

ўртacha 1 гектарда 1000 донадан ортик чигиртка бўлганда эса 75% дан куп майдон режалаштирилади.

Бунда албатта тухум кузачаларнинг сонини аниқлаш бўйича ўтказиладиган кузги кузатувлар маълумотлари хисобга олинади, чунки унинг асосида ишлов ўтказиладиган майдонлар якуний аниқланиб режалаштирилади.

3. Туда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга (prusлар, отбосар, туркман ва бошка чигирткалар хамда темирчаклар) қарши ўтказиладиган кимёвий ишловлар майдонлари қишлоқ хўжалиги экинлари атрофида чигирткалар тухум қўйиши даврида 1 м.кв. жойда ўртacha 1 дона чигиртка ва экин майдонидан камида 1км масофада 1 м.кв жойда ўртacha 2-3 дона чигиртка бўлганда экинлар атрофидаги майдонларни 100 % ишлов ўтказиш режалаштирилади.

Чигирткаларни кириб йўқотиш бўйича кимёвий ишловларни асосан чигирткаларни 1-2 ёшдалигида ўтказилиши ва улар қанот чиқаргунча тугатилиши режалаштирилади.